



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO’NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-2, 2026**

Legal and Institutional Aspects of Regulating the Activities of Family- Based Non-State Preschool Educational Organizations

Karimova Zulfizar Lochinovna

Chief Consultant Institute for Legislative Policy and Regulatory Impact Assessment
under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article analyzes the legal and institutional aspects of regulating the activities of family-based non-state preschool educational organizations in the Republic of Uzbekistan. Based on Regulatory Impact Assessment (RIA) reports for the period 2022–2025, the study examines the sector’s development dynamics, the subsidy system, and its impact on employment. The research also investigates the growth trends in the number of family-based preschool institutions, the number of enrolled children, and the number of employed pedagogical staff. Furthermore, the effects of state subsidies, cases of application rejections, existing challenges in the sector, and possible solutions are discussed.

Keywords: family-based non-state preschool educational organization, preschool education, public-private partnership, subsidy, regulatory impact assessment, entrepreneurship, Single Interactive Public Services Portal.

**Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини тартибга
солишнинг ҳуқуқий ва институционал жихатлари**

Каримова Зулфизар Лочиновна

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш
таъсирини баҳолаш институти бош маслаҳатчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти ҳуқуқий ва институционал жихатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда 2022–2025 йилларга оид ТСТБ ҳисоботи



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-2, 2026**

маълумотлари асосида соҳанинг ривожланиш динамикаси, субсидиялаш тизими ва бандликка таъсири ўрганилган. Шунингдек, оилавий МТТлар сони, уларда тарбияланаётган болалар ва фаолият юритаётган педагог ходимлар сонининг ўсиш динамикаси, давлат субсидиялари таъсири, аризаларни рад этиш ҳолатлари ҳамда соҳада мавжуд муаммолар ўрганилган ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти, мактабгача таълим, давлат-хусусий шериклик, субсидия, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, тадбиркорлик, Ягона интерактив давлат хизматлари портали.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши белгилаб қўйилган. Бу борада мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини оширишнинг энг самарали механизмларидан бири — давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосидаги оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ҳисобланади.

Оилавий МТТлар анъанавий йирик мактабгача таълим ташкилотларидан фарқли равишда кичик қувватли, аҳоли яшаш жойларига яқин, нисбатан мослашувчан ва хусусий ташаббусга асосланган таълим хизматлари шакли ҳисобланади. Ушбу модел бир вақтнинг ўзида бир нечта ижтимоий-иқтисодий вазифани бажаради: мактабгача таълим қамровини оширади, хусусий секторни таълим соҳасига жалб этади, маҳаллий даражада иш ўринлари яратади ва оналар учун танлов имкониятини кенгайтиради.

Ўзбекистонда мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асослари Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 426-сон қарори¹ билан янада такомиллаштирилди. Ушбу қарор мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий

¹ <https://lex.uz/uz/docs/6141472>



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-2, 2026**

шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида содалаштиришга қаратилган бўлиб, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлашда муҳим ҳуқуқий база вазифасини бажармоқда.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлар фақат давлат-хусусий шерикликнинг оилавий МТТни моддий-техник ва методик жиҳатдан таъминлаш шакли асосида ташкил этилади. Оилавий МТТ шаклида таълим хизматлари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар томонидан кўрсатилади ҳамда банк ҳисобварағига эга бўлади².

Мазкур ёндашув оилавий МТТларнинг ҳуқуқий табиатини белгилайди. Бир томондан, улар нодавлат таълим хизматини кўрсатувчи хусусий субъект ҳисобланади, иккинчи томондан, давлат-хусусий шериклик битими асосида фаолият юритгани сабабли давлатнинг таълим соҳасидаги ижтимоий вазифаларини амалга оширишга кўмаклашади. Шу жиҳатдан оилавий МТТлар фақат тадбиркорлик субъекти эмас, балки ижтимоий аҳамиятга эга хизмат кўрсатувчи институт сифатида баҳоланиши лозим.

Оилавий МТТ фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талаб этилмаслиги ушбу соҳада тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантирувчи муҳим омилдир. Оилавий МТТ фаолияти хабардор қилиш тартиби асосида йўлга қўйилади. Бунда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки “Лицензия” ахборот тизими орқали хабарнома юборилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, лицензия талаб этилмаслиги назоратнинг умуман мавжуд эмаслигини аниқлатмайди. Аксинча, оилавий МТТлар фаолияти санитария-

² Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. URL://file:///C:/Users/User/Downloads/LexUz_7086556.pdf



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-2, 2026**

эпидемиологик, ёнғин хавфсизлиги, таълим сифати ва молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш нуқтаи назаридан тегишли ваколатли органлар томонидан баҳоланади. Демак, ушбу соҳада тартибга солишнинг асосий мақсади тадбиркорлик фаолиятини ортикча маъмурий юкдан озод этиш билан бирга, болалар хавфсизлиги ва таълим сифати кафолатларини таъминлашдан иборат.

Оилавий МТТларнинг асосий мақсади мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш ва мактабгача таълим билан қамраб олишни кенгайтиришдан иборат.

Оилавий МТТнинг вазифалари сифатида таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш, болалар ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш, бола шахсини соғлом ва мактабда ўқишга тайёр ҳолда шакллантириш каби йўналишлар белгиланган.

Ушбу вазифалар оилавий МТТларнинг фақат болани кун давомида парвариш қилиш билан чекланмаслигини, балки мактабгача таълимнинг умумий мақсадларига хизмат қилишини кўрсатади. Яъни оилавий МТТлар болаларни ижтимоийлаштириш, нутқини ривожлантириш, мустақил фикрлаш, ўзаро мулоқот ва бошланғич таълимга тайёрлаш жараёнида муҳим ўрин тутади.

Оилавий МТТда 50 нафаргача болаларга тарбия берилишига йўл қўйилади. Бунда оилавий МТТда ҳар битта гуруҳ 12 — 25 нафаргача турли ёшдаги болалардан иборат бўлади. Биринчи гуруҳда 25 нафар бола тўлиқ шакллантирилганидан кейин иккинчи гуруҳнинг очилишига йўл қўйилади. Иккинчи гуруҳ учун субсидиялар ушбу гуруҳга камида 12 нафар бола қабул қилинганидан сўнг белгиланган тартибда тўлаб берилади.

Шу билан бирга, оилавий МТТларнинг кичик қувватли экани уларда болаларга индивидуал ёндашув имкониятини кенгайтиради. Катта гуруҳларга



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-2, 2026**

нисбатан кичик гуруҳларда тарбиячи боланинг эҳтиёжларини яхшироқ кузатиши, ота-оналар билан яқин мулоқот қилиши ва таълим-тарбия жараёнини мослашувчан ташкил этиши мумкин. Бу эса оилавий МТТ моделининг ижтимоий самарадорлигини оширади.

Тадқиқот жараёнида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти томонидан 2026 йил март ойида ўтказилган ТСТБ (тартибга солиш таъсирини баҳолаш) ҳисоботи маълумотларидан фойдаланилди. Иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолашда харажатлар самарадорлиги таҳлили ва кўп мезонли таҳлил методлари қўлланилди. Йиллар кесимидаги (2022–2025 йй.) ўзгаришлар динамикаси статистик ва қиёсий таҳлил методлари ёрдамида ўрганилди.

ТСТБ ҳисоботи маълумотларига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 426-сон қарори қабул қилинганидан сўнг оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони сезиларли даражада ошган. Хусусан, 2022 йилда уларнинг сони 18 566 тани ташкил этган бўлса, 2025 йилда 28 456 тага етган. Бу кўрсаткич оилавий МТТлар сони қисқа даврда 1,5 баробарга ошганини кўрсатади. Республика бўйича оилавий МТТ лари сонининг йиллар кесимида ўзгариши қуйидаги жадвалда акс этган (1-жадвал):

1-жадвал

Худудлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Жами	11169	15705	18566	23460	26996	28456
Қорақалпоғистон Республикаси	480	631	811	970	1063	1118



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO’NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-2, 2026**

Хоразм вилояти	854	877	1085	1334	1483	1547
Жиззах вилояти	799	769	873	1106	1266	1309
Андижон вилояти	1222	1892	2126	2871	3403	3503
Наманган вилояти	1054	1537	1822	2503	3052	3160
Фарғона вилояти	1281	1909	2120	2617	2997	3087
Самарқанд вилояти	1858	1907	2309	2880	3220	3326
Қашқадарё вилояти	1076	1646	2069	2682	3214	3682
Сирдарё вилояти	301	484	562	746	834	877
Сурхандарё вилояти	593	1528	1757	2068	2332	2561
Навоий вилояти	500	729	815	958	1087	1125
Бухоро вилояти	816	999	1163	1374	1469	1510
Тошкент вилояти	330	772	1008	1279	1482	1553
Тошкент шаҳри	5	25	46	72	94	98

Оилавий МТТлар сонининг ўсиши мактабгача таълим қамрови ошишига ҳам бевосита таъсир кўрсатган. Ҳисобот натижаларига кўра, оилавий боғчаларда тарбияланаётган болалар сони 2022 йилда 554 035 нафарни ташкил этган бўлса, 2025 йилда 815 340 нафарга етган. Яъни ушбу даврда тарбияланувчилар сони 47 фоизга ошган. Бу эса оилавий МТТлар мактабгача таълим хизматларини кенгайтиришда амалий натижа бераётганини тасдиқлайди.



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-2, 2026**

Педагог ходимлар сонида ҳам ижобий динамика кузатилади. 2022 йилда оилавий боғчаларда 23 549 нафар педагог ходим фаолият юритган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 39 096 нафарга етган. Бу оилавий МТТлар нафақат таълим хизматлари қамровини ошираётганини, балки меҳнат бозорида янги иш ўринлари яратишга ҳам хизмат қилаётганини кўрсатади.

Оилавий МТТлар ривожда давлат субсидиялари муҳим молиявий механизм ҳисобланади. ТСТБ ҳисоботида кўра, оилавий боғчалар учун ажратилаётган субсидиялар миқдори 2022 йилда 787 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилда 3,96 трлн сўмга етган. Яъни субсидиялар миқдори 5 баробарга ошган.

Субсидияларнинг асосий аҳамияти шундаки, улар тадбиркорнинг молиявий таваккалчилигини камайтиради ва таълим хизматлари нархининг аҳоли учун мақбул даражада сақланишига ёрдам беради. Оилавий МТТларда асосий харажатлар ходимлар иш ҳақи, болалар овқатланиши, юмшоқ жиҳозлар, дори-дармонлар ва бинодан фойдаланиш билан боғлиқ. Давлат томонидан ушбу харажатларнинг муайян қисмини қоплаш хусусий шерикнинг барқарор фаолият юритишига шароит яратади.

Шу билан бирга, субсидия механизми давлат бюджетига ҳам муайян юклама келтириши табиий. Шу сабабли мазкур механизмнинг самарадорлигини баҳолашда фақат ажратилган маблағлар ҳажми эмас, балки улар натижасида қанча бола мактабгача таълим билан қамраб олингани, қанча иш ўрни яратилгани ва таълим хизматлари сифати қандай таъминланаётгани ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Оилавий МТТлар фаолиятида ижобий натижалар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Биринчи муаммо — субсидия ажратиш



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-2, 2026**

имкониятларининг чекланганлиги ва бунинг натижасида аризаларни рад этиш ҳолатларининг кўпайишидир. ТСТБ ҳисоботида кўра, 2025 йилда республика бўйича оилавий боғча ташкил этиш мақсадида 8 571 та ариза юборилган бўлиб, шундан 5 551 таси рад этилган. Энг кўп рад этиш ҳолати Андижон вилоятига тўғри келган: ушбу ҳудудда 914 та аризадан 702 таси рад этилган. Рад этишларнинг асосий сабаби сифатида республика бюджетидан ажратилган маблағларнинг белгиланган меъёрга етганлиги кўрсатилган.

Бундай ҳолат, бир томондан, давлат бюджети имкониятлари чекланганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, оилавий МТТ ташкил этиш истагидаги тадбиркорлар учун қўшимча тўсиқ юзага келтираётганини англатади. Шу сабабли субсидия ажратилиши рад этилган, бироқ барча ташкилий ва хавфсизлик талабларига жавоб берадиган оилавий МТТларни қўллаб-қувватлашнинг муқобил механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи муҳим масала — кадрлар малакаси. Амалда оилавий МТТ ходимлари давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган тартибда ўз маблағлари ҳисобидан малака ошириши мумкин. Бироқ оилавий МТТларда тарбияланувчилар сони, одатда, чекланган бўлгани сабабли уларнинг молиявий имкониятлари ҳам катта эмас. Шу боис оилавий МТТ ходимларига бепул малака ошириш имкониятини яратиш таълим-тарбия сифатига бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Учинчи масала — санитария талабларини оилавий МТТларнинг хусусиятига мослаштиришдир. Ҳозирги вақтда оилавий МТТлар умумий мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган санитария-гигиена талаблари асосида баҳоланмоқда. Аммо оилавий МТТлар кичик қувватли, хонадон ёки кичик бино шароитида фаолият юритувчи таълим шакли бўлгани учун уларга



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-2, 2026**

Йирик муассасаларга мўлжалланган талабларни бир хил татбиқ этиш амалиётда қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли оилавий МТТлар учун алоҳида санитария қоидаларини ишлаб чиқиш зарур.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг яна бир афзаллиги — рақамлаштирилган тартибнинг йўлга қўйилганидир. Аризалар Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқариш ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади, тегишли санитария ва ёнғин хавфсизлиги органларига электрон сўровлар юборилади, хулосалар ҳам электрон тарзда киритилади. Бу бюрократик жараёнларни қисқартириш, шаффофликни ошириш ва тадбиркорлар учун қулайлик яратишга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари Ўзбекистонда мактабгача таълим қамровини ошириш, хусусий секторни ижтимоий соҳага жалб этиш ва болалар учун қулай таълим муҳитини шакллантиришда муҳим механизм ҳисобланади. 2022–2025 йилларда оилавий МТТлар сони, уларда тарбияланаётган болалар ва ишловчи педагоглар сонининг ошиши ушбу моделнинг амалда ўзини оқлаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, субсидиялар чекланганлиги, ходимлар малакасини ошириш ва санитария талабларини мослаштириш каби масалалар тизимни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан, оилавий МТТларни қўллаб-қувватлашда фақат субсидия механизмлари билан чекланиб қолмасдан, коммунал харажатлар учун компенсация, бепул малака ошириш ва алоҳида санитария қоидаларини жорий этиш каби амалий чоралар кўрилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса нафақат тадбиркорлар учун қулай муҳит яратади, балки энг асосийси — болаларнинг сифатли мактабгача таълим олиш имкониятларини янада кенгайтиради.



**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO‘NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-2, 2026**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 2023-йил 30-апрель. URL.// <https://lex.uz/docs/6445147>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 2-августдаги “Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 426-сон қарори. URL.// <https://lex.uz/uz/docs/6141472>
3. Оилавий нодавлат мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. URL.// file:///C:/Users/User/Downloads/LexUz_7086556.pdf